

Қуръон шифодир!



14:00 / 01.03.2023 3313

Али розияллоху анхунинг олдиларига бир киши келиб, оғриқдан шикоят қилди. Шунда улуғ саҳобий «Аёлингнинг маҳридан икки дирҳам олиб, ўша пулга асал сотиб ол. Кейин асалга янги ёғаётган ёмғир сувидан қўш ва тайёр бўлгач, ич. Чунки, мен осмондан тушадиган сув ҳақида Аллоҳ таолонинг «**Ва осмондан барака сувини туширдик**» деганини, асал ҳақида Аллоҳ таолонинг «**Унда одамлар учун шифо бордир**» деб айтганини, аёлнинг маҳри борасида Аллоҳ таоло «**Бас, уни енглар. Ош бўлсин, офият бўлсин**» деб марҳамат қилганини эшитганман. Агар битта дорида барака, шифо ва ош-офиятлик жам бўлса, иншаа Аллоҳ, Аллоҳнинг Ўзи сенга офият беради” дедилар.

Шайх Муҳаммад Мутаваллий Шаъровий раҳимаҳуллоҳ